Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 10 апрель, № 73 (7853) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ВА ВОДОРОД ЭНЕРГЕТИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда энергия ресурсларига бўлган талаб таркибий жиҳатдан ўзгармоқда, хусусан, углеводород ресурсларидан қайта тикланувчи манбаларга ўтишда водород энергетикасини ривожлантириш долзарб масалага айланмоқда.

Шу билан бирга, соҳа ҳолатининг таҳлили иқлим ўзгариши шароитида республикада самарали, ресурстежамкор ва экологик хавфсиз иқтисодиётни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, жадаллашаётган саноатлаштириш ва аҳоли сонининг ўсиши иқтисодиётнинг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини сезиларли даражада оширмоқда, шунингдек, атроф-муҳитга салбий антропоген таъсирни кучайтирмоқда.

Республиканинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва водород энергетикасини барқарор ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, ушбу соҳанинг илмий салоҳиятини кучайтириш талаб этилади.

Республикада водород энергетикаси инфратузилмасини барпо этиш, қайта тикланувчи ва водород энергетикаси соҳаларида илмий ва амалий изланишларнинг натижадорлигини ошириш, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтишини таъминлаш мақсадида:

1. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг:

Фанлар академиясининг "Халқаро қуёш энергияси институти" МЧЖ негизида Энергетика вазирлиги ҳузурида **Қайта тикланувчи энергия манбалари миллий илмий-тадқиқот институтини** (кейинги ўринларда — Институт);

Институт тузилмасида **Водород энергетикаси илмий-тадқиқот марказини** ҳамда **Қайта тикланувчи ва водород энергетикаси технологияларини синаш ва сертификатлаш лабораториясини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. **Қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш бўйича идоралараро комиссия** (кейинги ўринларда — Комиссия) 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин ва унга қуйидаги **вазифалар** юклансин:

Институт фаолиятининг ташкил этилишини мувофиқлаштириш;

қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш бўйича миллий стратегия ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни, шунингдек, ушбу соҳалардаги истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

қайта тикланувчи ва водород энергетикаси соҳаларида зарур тадқиқотлар ўтказиш ҳамда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларида **вазирлик ва идораларга кўмаклашиш**;

қайта тикланувчи ва водород энергетикаси соҳаларида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш ҳамда илмий-техникавий лойиҳаларни амалга ошириш учун **зарур шарт-шароитлар яратиш,** шу жумладан, **илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш**.

3. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва водород энергетикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини шакллантириш, **ушбу соҳаларда фундаментал ва амалий тадқиқотларни ўтказиш ҳамда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш**;

қайта тикланувчи энергия манбалари ва водороддан олинган энергияни электр ҳамда иссиқлик энергиясига айлантириш ҳисобига улардан **иқтисодиётнинг юқори технологик соҳалари ва тармоқларида самарали фойдаланиш усулларини ўрганиш ва жорий этиш**;

қайта тикланувчи энергия ва водородни **ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш** ва (ёки) уларни халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар талабларига мослаштириш;

илғор давлатларнинг мазкур соҳалардаги илмий муассасалари, марказлари ҳамда экспертлари билан **ҳамкорлик ўрнатиш ва улар иштирокида тадқиқотларни ташкил қилиш,** шунингдек, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларда иштирок этиш;

(Давоми 2-бетда).

«ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЯНГИ «ЙЎЛБАРСИ»

2021 йил 5 апрель куни gazeta.ru сайтида Россиянинг "Совкомбанк" хусусий универсал тижорат банки бош таҳлилчиси Михаил Васильевнинг мамлакатимиз иқтисодий юксалишига туртки бўлаётган асосий омиллар ҳақидаги "Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг янги "йўлбарси" номли мақоласи эълон қилинди. Қуйида ушбу мақола таржимаси билан танишишингиз мумкин.

Эътироф

"XX аср ўрталаридан бошлаб Осиё минтақасидаги бир гуруҳ мамлакатлар қисқа вақт ичида иқтисодий ва технологик тараққиётда мисли кўрилмаган ютуқларга эришиб, жаҳон ҳамжамиятини бир неча бор ҳайратда қолдирди. Ҳолбуки, кўплаб қудратли давлатлар ҳам ўз тарихида бундай кескин юксалишга эриша олмаган.

"Осиё йўлбарслари" феномени аллақачон иқтисодиёт дарсликларига киритилган. "Осиё йўлбарслари"нинг биринчи тўлқини — Жанубий Корея, Сингапур, Тайвань ва Гонконг 1960 — 1990 йиллар оралиғида энг юқори чўққига кўтарилди. Бу мамлакатлардаги жадал ўсиш 1998 йилда юз берган жаҳон молиявий иқтисодий инқирозидан сўнг барқарорлашди.

Иккинчи тўлқин "йўлбарслари" — Индонезия, Малайзия, Вьетнам ва Таиланд модернизацияни ўтган аср 90-йиллари охиридан бошлади. Айни пайтда ушбу давлатлар осиёлик "тўнғич" шериклари технологик "занжири"да тўла иштирок этмоқда, иқтисодий ривожланиш бўйича "катта йўлбарс"ларга яқинлашиб боряпти.

Бинобарин, бу давлатларда корхоналар кўп даромад олиб, аҳоли қитъанинг бошқа мамлакатларидагига қараганда яхши яшаса-да, айни пайт иқтисодиётнинг ўсиш суръати илгаригидек юқори эмас.

Табиийки, энди учинчи тўлқин даври келди ва Марказий Осиё вакили — Ўзбекистонни ишонч билан навбатдаги эврилиш локомотиви, деб аташ мумкин.

Нима сабабдан Ўзбекистонни Жануби-Шарқий Осиёдан бошланган эстафетани ўз қўлига олиб, янги "йўлбарс" бўла олади, дея ишонч билан айтиш мумкин?

Негаки, барча "йўлбарслар"ни ягона омил — хорижий инвестиция оқими ва инсон капитали сифатини яхшилаш ғояси бирлаштирган. Булар айнан бугунги кунда, айниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистонга хос бўлган омиллардир.

Инсон капитали нуқтаи назаридан таъкидлаш керакки, Марказий Осиёдаги нефти бўлмаган бошқа мамлакатлар орасида Ўзбекистон энг юқори — киши бошига 1700 долларга тенг меҳнат унумдорлигига эга. Ўзбеклар бу кўрсаткич бўйича, ҳатто иқтисодиёти ўзидан беш баравар катта бўлган Покистонни ҳам ортда қолдирди.

Юқори меҳнат унумдорлигини харид қилинган технология ёки хорижий ускуналарнинг ўзи таъминлаб бера олмайди. Зеро, одамлар меҳнат самарадорлигини ривожлантиришнинг яна бир асосий омили таълимдир.

Ўзбекистонда совет давридаёқ кучли ўрта таълим тизими мавжуд эди. Шу билан бирга, бугунги кунда давлат янада ривожланиб, олий таълим институтлари ҳам ривожланмоқда.

Умуман, Ўзбекистон таълим учун йилига ЯИМнинг 5-6 фоизини сарфлайди, бу нафақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, балки жаҳон бўйича энг юқори кўрсаткичлардан бири. Масалан, АҚШда таълим учун айнан шунча маблағ сарфланади. Хориждан келадиган капитал оқими эса иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар катализатори бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда 2016 йилдан бошлаб амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида хорижий инвестициялар оқимини фаоллаштириш имкони пайдо бўлди. Бу жараёнда Президент Шавкат Мирзиёев, унинг Администрацияси ва инвестиция муҳитини яхшилаш, бизнеснинг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришга оид қонунлар ишлаб чиқаришда иштирок этадиган идоралар фаолиятини қайд этмасликнинг иложи йўқ.

2

МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИМИЗ ТИМСОЛИ

Амир Темур — халқимизнинг обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, бугунги саодатли кунларга шукроналик, эртанги ёруғ келажакка ишонч билан яшашига маънавий куч бағишлаб келаётган улуғ сиймолардан бири.

Эҳтиром

Соҳибқирон таваллуд топган кунни юртдошларимиз улуғ аждодимиз хотирасига эҳтиром сифатида ҳар йили кўтаринки рухда байрам қилади. Буюк бобомиз таваллудининг 685 йиллиги кенг нишонланаётган айни кунларда бу жиҳат яна бир бор намоён бўлаётир.

Анъанага кўра, 9 апрель куни пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Эрта тонгдан ушбу сўлим гўшада йиғилган кенг жамоатчилик вакиллари, кексаю ёш юзу кўзида халқимизни мўғул истибдодидан халос этиб, буюк салтанат тузган, адолат ва ҳақиқатни ўзига шиор билган улуғ сиймонинг авлодлари эканлигидан фахр-ифтихор жўш уради.

Соҳибқиронинг муаззам ҳайкали томон элтувчи йўлакда шавкатли аждодимизнинг мардлик, жасорат ва матонатга йўғрилган эзгу фазилатларини, беқиёс фаолиятини ҳаёт тамойилига айлантирган ҳарбийлар саф тортди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилот ҳамда муассасалар вакиллари, талаба-ёшлар, ўқувчилар Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

3

Муносабат

РАҲБАРЛАР ҚАЧОН ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ДЎСТЛАШАДИ?

Куни кеча Президентимиз раислигида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди ва унда ушбу соҳада йўл қўйилаётган камчилик ҳамда муаммолар кўрсатиб ўтилди.

Маълумки, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодий ривожи, айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини яратишдаги аҳамияти жуда ҳам юқори. Шу боис мамлакатимизда мазкур соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, молиявий ёрдам кўрсатиш, имтиёзлар бериш энг муҳим ва устувор вазифага айланди. Лекин айрим ҳудуд ҳамда сектор раҳбарлари яратилган бу имкониятлардан ҳалигача тўлиқ фойдалана олмаяпти.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бу соҳага қанчалик кўп маблағ ажратилмасин, Фармон, қарорлар қабул қилиниб, шароит яратилмасин, қуйи поғонадаги раҳбарлар дунёқарашини ўзгартириш, тадбиркорлар билан дўстона ишлаши қийин бўляпти.

Таъкидланганидек, кичик бизнес субъектларига ажратилган жами 120 триллион сўмлик кредит ва молиявий ёрдам натижасида пандемиядан зарар кўрган 104 мингдан ортиқ корхоналар фаолияти тикланган. Шунингдек, жорий йилнинг биринчи чорагида 27 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил топган бўлиб, тадбиркорлик учун ажратилган кредитлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 13 фоиз ўсган.

Мамлакатимизда бу борада давлат томонидан иқтисодиёт учун керакли шарт-шароитларни яратиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашмаслик, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, қонун ҳужжатларини соддалаштириш ҳамда тадбиркорлар учун кўпроқ эркинлик муҳитини яратиш чоралари кўрилмоқда.

3

«СЕН УХЛАГАНИНГДА ДУШМАНИНГ УЙҒОҚ БЎЛАДИ»

ёхуд маънавий ишларда жамоатчиликнинг роли ҳақида

Дунёдаги кескин мафкуравий ўзгаришлар, радикал, агрессив оқимларнинг кучайиб бориши, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди. Айрим давлатларда экстремистик кучлар, тажовузкор гуруҳлар томонидан олиб борилаётган, беозор бўлиб кўринган тескари тарғиботлар ўзининг яширин "жозибаси" билан кўпларни ром айлагани ҳам бор гап. Айни пайтда улар ўзларининг ёвуз башараларини тобора ошкор этяпти, вайронкор, бузғунчи ғоялари билан қанчадан-қанча ёшларни йўлдан адаштирмоқда.

Мулоҳаза

Масаланинг нозик жиҳати ҳам шундаки, ёш мустақил давлатларни танлаб олган тараққиёт йўлидан, орзу-мақсадларига эришиш, янги жамият қуриш йўлидан қайтармоқчи бўлаётганлар, аввало, дунёқараши мўрт ёшлар қалби ва онгини эгаллашга, уларни бегона ғоялар билан чалғитиб, ўзининг ғаразли ниятларини амалга оширишга уринишлари тайин. Европа мамлакатларида муҳожирликка қарши руҳдаги ирқчи ва миллатчи ёшлар ҳаракатининг урчиб бораётгани, улар дастидан кўчаларда бемалол юриш муаммога айланаётгани, Шарқ мамлакатлари ёшлари ҳаётига фаҳш, зўравонлик, номуссизлик, андишасизлик каби ёт қусурларнинг кириб келаётгани маънавият масаласига эътиборни ҳар қачонгидан-да кучайтиришни талаб этади.

Давлатимиз хавфсизлигини таъминлашнинг асоси — ёшлар. Улар бизнинг таянчимиз, эртанги кундан умидимиз, савоб ишларимизнинг давомчилари деб кўп гапирамиз. Нафақат хавфсизлик, давлатимизнинг келажаги ҳам навқирон авлод дунёқараши қандай шаклланишига бевосита боғлиқ. Иморатнинг пойдевори қанчалик бақувват бўлса, у шунчалик умрбоқий туради. Заиф пойдевор устига қурилган ҳар қандай бино қулаб тушиши тайин. Мамлакатимиз пойдевори, шубҳасиз, аҳолининг 60 фоиздан кўпроғини ташкил этган ёшлардир.

4

РАСМИЙ ТАДБИРЛАР ЮЗАСИДАН НАВБАТДАГИ БРИФИНГ

Миллий матбуот марказида 9 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ўринбосари — Президент матбуот котиби Шерзод Асадов брифинг ўтказди.

Унда жорий ҳафта Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирокида бўлиб ўтган учрашувлар ва муҳим йиғилишлар ҳақида оммавий ахборот воситалари вакилларига маълумот берилди.

Таъкидланганидек, бу ҳафта тадбирларга бой бўлди, давлатимиз раҳбари бир қатор хорижий делегацияларни қабул қилди, муҳим йиғилишлар ўтказди. Брифингда ушбу учрашувлар ҳақида пресс-релизларга киритилмаган қўшимча тафсилотлар юзасидан ахборот берилди.

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев 5 апрель куни Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зарифни қабул қилди.

Эрон — катта иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат. Кейинги йилларда икки томонлама алоқалар фаоллашди. 2019 йилдан Эрон учун соддалаштирилган виза тизими жорий қилинди.

Учрашувда 2020 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо 250 миллион долларни ташкил этгани, қўшма корхоналар сони 3 баробар ортиб, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика каби соҳаларда умумий қиймати 61 миллион долларлик янги инвестиция лойиҳалари амалга оширилаётгани таъкидланди. Хавфсизлик ва терроризмга қарши курашиш масалалари бўйича ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олингани маълум қилинди.

Шу куни Президентимиз Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни ҳам қабул қилди. Унда Тошкентда илк бор ўтказилган "Иннопром" саноат ҳафталиги янги кооперация лойиҳаларини бошлаш учун ишончли платформа бўлиб хизмат қилиши қайд этилди. Бу борадаги аниқ лойиҳалар муҳокама қилингани айтиб ўтилди.

Учрашувда ҳозирги эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, Президентимизнинг Россияга расмий ташрифини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилгани қайд этилди.

Брифингда Президентимиз 6 апрель куни Корея Республикаси парламентининг Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Бён Сок бошчилигидаги делегация билан ўтказган мулоқот ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

3

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН ОЙЛАР СУЛТОНИ, МАРҲАБО!

Халқимиз меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик сингари ўзига хос эзгу фазилатларни асрлар давомида қадрлаб келади. Айниқса, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлашдек эзгу амаллар кейинги йилларда янада ривожланиб, тараққий топиб, янгича маъно-мазмун касб этиб бормоқда. Ана шу қадриятлар Рамазон ойида яққол намоён бўлади.

Ушбу муборак ой халқимизнинг маънавий-руҳий ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Бу ойни юртдошларимиз интиқлик билан орзиқиб кутиб, муносиб ўтказишади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бу ойда ҳар бир қилинган амалнинг эвазига 70 тадан 700 тагача савоб берилиши ҳадиси шарифда баён этилган: ***"Ҳар бир хайрли амалга ўн баробардан етти юз баробаргача савоб берилади"*** *(Имом Табароний ривояти)*.

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилингани барча мўмин-мусулмон юртдошларимизни беҳад қувонтирди.

Яна бир ҳолатни эслаб ўтиш янада кўпроқ шукр қилишимизга туртки бўлса, ажаб эмас. Аввалари Тошкент шаҳрида бармоқ билан санарли масжидларда Қуръони карим хатм қилинар, қорилар Миср, Туркия, Саудия Арабистони каби давлатлардан таклиф этилар эди. "Биров билмасин", дея уч кунда Қуръони карим ўқиб тугатилар эди.

3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2021 йил 10 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ВА ВОДОРОД ЭНЕРГЕТИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

маҳаллий ва хорижий олий таълим ташкилотлари билан биргаликда **илмий изланишдан ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни ўзаро боғловчи яхлит тизимни шакллантириш** ва юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш;

қайта тикланувчи энергия манбалари ва водородни ишлаб чиқарувчи, улардан фойдаланувчи ҳамда ушбу турдаги энергия билан ишловчи ускуна, қурилма ва технологияларни **синовдан ўтказиш ва сертификатлаш**.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Институт давлат муассасаси шаклидаги **юридик шахс** ҳисобланади, ўз мустақил балансига, шахсий ғазна ва банк ҳисобварақларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади;

Институт ходимларига Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган **меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари** татбиқ этилади;

Институт тугатилаётган "Халқаро қўёш энергияси институти" МЧЖга тегишли Тошкент шаҳар, Чингиз Айтматов кўчаси, 2«Б»-уй, 2-корпус манзилидаги мавжуд ҳамда янгидан қуриладиган бино ва иншоотларда жойлаштирилади;

"Халқаро қуёш энергияси институти" МЧЖнинг тугатилиши пайтида Институтга ўтказиладиган мулклар, мулкий ҳуқуқлар, хусусан, акциялар ва устав капиталларидаги тегишли улушларнинг қиймати **барча турдаги солиқлар бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди**;

Институт "Халқаро қуёш энергияси институти" МЧЖнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

5. **Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Қайта тикланувчи энергия манбалари миллий илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси"** 2-илова мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда Институт фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

а) Энергетика вазирлиги (А.С.Султанов):

Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов), Фанлар академияси (С.З.Мирзаев) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К.Абдиназаров) билан биргаликда **бир ой муддатда** Институтни жиҳозлаш учун зарур бўлган замонавий лаборатория асбоб-ускуналари, технологик қурилмалар, реагентлар, бутловчи қисмлар, инвентарлар, автотранспорт воситалари, махсус техника ҳамда дастурий таъминотлар **рўйхатини** шакллантирсин ҳамда белгиланган тартибда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУКда **экспертизадан** ўтказсин;

2021 йилда Институт фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан, унинг моддий-техника базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, шакллантирилган рўйхатга мувофиқ товарларни харид қилиш, Институт биносини таъмирлаш, белгиланаётган йўналишларда тадқиқотларни жадаллаштириш, инновацияларни кенг жорий қилиш, етакчи хорижий олимларни тадқиқотларга жалб қилиш, ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун **Энергетика вазирлигининг бюджетдан ташқари Ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 50 миллиард сўмгача маблағларни** ажратсин;

б) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) **2022 йилдан бошлаб** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳар йилги тасдиқланадиган харажатлар параметрларида Институт фаолиятини молиялаштириш учун **зарур маблағларни** назарда тутсин.

7. Энергетика вазирига:

зарур бўлганда, Институт ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида унинг **тузилмасига ўзгартириш** киритиш;

Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Институт йўналишларини кенгайтиришга боғлиқ равишда Институт ходимларининг **умумий сонини ошириш** ҳуқуқи берилсин.

Бунда Энергетика вазирлиги (А.С.Султанов) Институт фаолиятига қайта тикланувчи ва водород энергетикаси соҳасида амалий ишланмаларни яратишга қаратилган илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишда ва бошқа устувор вазифаларни бажаришда **аутсорсинг механизмлари** доимий равишда жорий этилишини таъминласин.

8. Институт фаолиятини **молиялаштириш манбалари** этиб қуйидагилар белгиласин:

Ўзбекистон Республикасининг **республика бюджети** маблағлари;

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан **илмий фаолиятга оид давлат дастурлари** доирасида ўтказиладиган танловлар натижаларига кўра ажратиладиган маблағлар;

Энергетика вазирлигининг бюджетдан ташқари **Ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантириш жамғармаси** маблағлари;

Энергетика вазирлиги ҳузуридаги **Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси** маблағлари;

республика ва халқаро молия ташкилотларининг **техник кўмаклари ва грантлари**;

Институт томонидан шартнома асосида **хизматлар кўрсатишдан тушадиган** маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг **ҳомийлик хайриялари**;

қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов) Энергетика вазирлиги (А.С.Султанов), "Эл-юрт умиди" жамғармаси (А.Ш.Бекмуродов), Фанлар академияси (С.З.Мирзаев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (У.Ш.Бегимкулов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К.Абдиназаров) билан биргаликда Институтнинг илмий ва илмий-техник ходимларининг, шунингдек, республикада ушбу соҳаларда фаолият юритаётган ёш олим ва мутахассисларнинг ривожланган хорижий давлатлардаги етакчи илмий марказларда белгиланган тартибда **илмий стажировкадан ўтишини молиялаштиришни** таъминласин.

10. Энергетика вазирлиги (А.С.Султанов):

икки ой муддатда Институтнинг **устави**, унинг молиявий-иқтисодий фаолият кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда, **тузилмаси** ҳамда Институт ходимларининг **меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тартиби** ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда тасдиқланишини;

Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К.Абдиназаров) билан биргаликда **2021 йил якунига қадар Қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш бўйича миллий стратегия** ишлаб чиқилишини ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И.Норқулов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х.Тошқулов) ҳамда Энергетика вазирлиги (А.С.Султанов) билан биргаликда:

бир ой муддатда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети бакалавриатининг **"Муқобил энергия манбалари" (турлари бўйича) таълим йўналиши** бўйича қабул параметрларини водород энергетикаси йўналишида мутахассисларни тайёрлашни назарда тутган ҳолда ошириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида **"Водород энергетикаси ва технологиялари" магистратура мутахассислиги** бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

12. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов) Энергетика вазирлиги (А.С.Султанов), манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, мамлакатда водород энергетикасининг ривожланиши ҳолати бўйича **йиллик ҳисоботни** тайёрлаш ва "InnoWeek.uz" инновацион ғоялар ҳафталиги доирасида **унинг тақдимотини ўтказиш амалиётини** жорий этсин;

икки ой муддатда 2021 йилда Тошкент шаҳрида халқаро молия институтлари, етакчи халқаро экспертлар, хорижий тадқиқот марказлари ҳамда технологик ускуналарни ишлаб чиқарувчи компаниялар иштирокида муқобил энергия манбаларини қўллаш масалаларига доир **халқаро конференцияни** ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда амалга оширсин.

13. Энергетика вазирлиги (А.С.Султанов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А.Вафаев), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х.Камилов) ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов) билан биргаликда Энергетика вазирлиги ва "ACWA Power"(Саудия Арабистони), "Air Products" (АҚШ) ўртасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш бўйича тузилган очиқ келишувга мувофиқ **"ACWA Power", "Air Products" ва бошқа етакчи компанияларнинг инвестициялари ва илмий ходимларини** Институтнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва халқаро даражадаги инновацион изланишларни кенгайтириш ишларига жалб қилсин.

14. "Ўзстандарт" агентлиги (Д.Н.Саттаров) белгиланган тартибда Институт лабораторияларининг **аккредитациядан** ўтказилишини таъминласин ҳамда кейинчалик ушбу лабораториялар аккредитация соҳасидаги халқаро стандартлар ва қоидалар талабларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро миқёсда эътироф этилган аккредитация органларида аккредитациядан ўтишига кўмаклашсин.

15. Институтнинг моддий-техника базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган олиб кирилаётган ускуналар, технологик қурилмалар ва жиҳозлар, моддий-техника воситалари, дастурий таъминот ва хизматлар **божхона божларидан озод қилинсин**.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ – 4142-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга шахсий жавобгар этиб инновацион ривожланиш вазири И.Ю.Абдурахмонов ва энергетика вазири А.С.Султанов белгиласин.

Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 9 апрель

«ЎЗБЕКИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЯНГИ «ЙЎЛБАРСИ»

1 Валюта бозори, режалаштирилаётган айрим ички нархлар либераллаштирилиши, давлат корхоналари кенг кўламда хусусийлаштирилиши, замонавий пул-кредит сиёсати юритилиши — буларнинг барчаси ҳар йили Ўзбекистонга тобора кўпроқ инвестиция киритишга тайёр хорижий сармоядорлар томонидан ниҳоятда ижобий қабул қилинмоқда.

Йўлга қўйилган иқтисодий ислоҳотлар самарасида республика иқтисодиёти кўпроқ саноат-технологик мамлакат аломатларига эга бўлмоқда. Ўзбекистон ҳозир ҳам ЯИМ ҳажмида саноат ва ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар бўйича нисбатан юқори — 28 ва 30 фоиз улушга эга. Бинобарин, бу узун йўлнинг бошланиши холос. Мамлакатда замонавий заводлар очилмоқда, ускуналар импорт қилинмоқда. Айни саъй-ҳаракатлар эртами-кечми экспортбоп маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсишига олиб келади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг реал ўсиш суръати бир неча йилдан буён 5 фоизни ташкил этмоқда ва бу шунчаки натижа эмас. Ўтган йили МДҲ мамлакатлари орасида коронавирус пандемиясига қарамай, ЯИМ ўсиши бўйича ижобий суръат қайд этган давлатлар сифатида фақат Ўзбекистон ва Тожикистон эътироф этилди.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: Ўзбекистоннинг иқтисодий сакрашни амалга оширишига тўсқинлик қиладиган омиллар борми?

Агар эпидемиялар ёки жаҳон иқтисодий инқирози шаклидаги олдиндан айтиб бўлмайдиган вазиятларни ҳисобга олмасак, умуман олганда, йўқ. Зеро, мамлакатда иқтисодий сакраш учун ажойиб замин ҳозирланган. Ўзбекистон ресурслар ва инсон капиталига бой, ташқи қарзи нисбатан кам мамлакат. Республиканинг замонавий, илғор фикрли ҳукумати ислоҳотларни давом эттирмоқда. "Йўлбарс" одимини тизимли тарзда секинлаштирадиган ёки тўхтатадиган омиллар мавжуд эмас.

Михаил ВАСИЛЬЕВ,
«Совкомбанк» бош таҳлилчиси.
ЎзА.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ҲОЛАТИ БАҲОЛАНАДИ

Қашқадарёга хорижий инвестицияларни жалб қилиш масаласи қандай ҳал этилмоқда? Вилоятда экспортни қўллаб-қувватлаш ва юқори самарали махсус иқтисодий ҳамда саноат зоналарини ташкил этиш йўналишидаги ишлар бугунги кун талабига жавоб берадими?

Ўрганиш

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси томонидан тузилган ишчи гуруҳи Қашқадарёда ана шу масалаларни ўрганишга киришди.

Дастлаб ишчи гуруҳи аъзолари мутасаддилар билан учрашув ўтказди. Унда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва илгари тузилган экспорт шартномаларини бажариш жараёни батафсил муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, 2021 йилга мўлжалланган ҳудудий Инвестиция дастури доирасида 24 та лойиҳани амалга ошириш учун 544 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш режалаштирилган. Бундан ташқари, умумий қиймати 165 миллион доллардан зиёд бўлган экспорт маҳсулотларини етказиб бериш режалаштирилмоқда.

Муҳокама чоғида ҳозирги вақтда амалга ошириш имкони бўлмаётган инвестиция лойиҳаларига, инвесторлар ва экспорт қилувчи корхоналар дуч келаётган муаммоларни ҳал қилишда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Хорижий инвестор ва экспорт қилувчилар эҳтиёжини, ихтисослаштирилган давлат органлари ишларининг сифатини баҳолаш мақсадида ишчи гуруҳ Муборак туманидаги "NTCS Extrusion Group" МЧЖ қўшма корхонасида олтингугуртдан минерал ўғит ишлаб чиқариш лойиҳаси фаолияти билан қизикди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари Муборак туманидаги "Сиёб Барака" МЧЖда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва экспортга чиқариш, Косон туманидаги "Overseas energy industries" МЧЖ қўшма корхонасида нефть-газ ускуналарини таъмирлаш, "Koson zamin export" МЧЖда дуккакли ўсимликларни қайта ишлаш лойиҳалари билан танишди. "Oq saroy textil" МЧЖда калава ип ишлаб чиқариш лойиҳаси ва "Chiroqchi Chin Technology" МЧЖ қўшма корхонасида стеклокристаллит ишлаб чиқариш жараёнлари ҳам кўздан кечирилди.

Ўрганиш жараёнида тадбиркорлар ва Савдо-саноат палатаси ҳудудий бўлинмаси раҳбарияти билан учрашув, вилоятда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёни, шунингдек, иқтисодий саноат зоналари фаолияти самарадорлиги таҳлил қилиниши кўзда тутилган.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

ҲУДУДЛАРНИ ИННОВАЦИОН ЮКСАЛТИРИШ — ИҚТИСОДИЁТНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШИ

Бугунги кунда кўплаб мамлакатлар интенсив ривожланиш йўлидан бориб, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқариш орқали ўз иқтисодиётини тез суръатлар билан барқарор тараққий эттиришга эришмоқда. Иқтисодиётнинг барча соҳасида кенг қамровли ислоҳотларни олиб бораётган Ўзбекистон учун ҳам ушбу масала ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга.

Фикр

Шу нуқтаи назардан айтганда, мамлакатимизда махсус давлат бошқаруви органи — Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди, илм-фан ва инновация ишлари бўйича давлат дастурлари замонавий тамойиллар асосида янгидан ишлаб чиқилиб, улар доирасида бир қатор муҳим илмий-технологик лойиҳалар амалга ошириляпти. Бундай фаолият учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар эса йилдан-йилга мунтазам ошиб бормоқда. Инновацион ишланмаларни иқтисодиётда амалий қўллашга етарли билим ҳамда кўникмаларга эга малакали кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Инновация соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириб, бир қатор ривожланган давлатлар билан ўзаро манфаатли қўшма дастур ва лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда.

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, мамлакатимизнинг инновацион тизими, инновация дастурлари доирасида бажарилаётган ишларнинг самарадорлиги бугунги кун талабларига, иқтисодий ислоҳотларнинг шиддатига қай даражада мос келади? Республика ҳудудларида амалга оширилаётган катта бунёдкорлик ишларида инновацион ишланмаларнинг ўрни ва роли қандай?

Тўғри, мазкур соҳада олиб борилаётган ишларнинг ҳолати ҳамда кўлами, ҳозирча, талаб даражасида эмаслиги кўпчиликка маълум. Президентимизнинг 2021 йил 1 апрелдаги "Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони айнан шу муаммоли масалаларни самарали ечишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Бинобарин, Фармонда Инновацион ривожланиш вазирлигининг асосий вазифалари янгидан аниқланиб, унда мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор соҳа ва тармоқларини илм-фан ютуқлари ҳамда инновациялар асосида ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш билан бирга, ҳудудларнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини ошириш, илмий ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг замонавий инфраструктурасини жойларда шакллантириш энг муҳим стратегик вазифа сифатида белгиланган.

Ҳақиқатан ҳам, пойтахт Тошкент ёки Самарқанд, Бухоро, Наманган каби йирик шаҳарлардаги илмий базаси шакланган университет ва институтлар, илмий марказлар билан бир қаторда, бошқа ҳудудлардаги мавжуд олий ўқув даргоҳлари, янгидан ташкил этилаётган илмий лабораториялар, технопарк ҳамда IT-паркларни илмий-технологик изланишлар ва инновация ишларига кенг жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда жойлардаги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан боғлиқ илмий ҳамда инновацион муаммоларни ҳал этиш учун ўша ердаги мутахассислар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, муҳандис-техник ходимлари иштирокида тегишли дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиш керак бўлади.

Айнан шу мақсадда Фармонда ҳудудий илмий ҳамда инновацион дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мониторинг қилиш учун вазирлик тизимидаги Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармаларини ташкил этиш белгиланган. Фикримизча, инновацион ишланмаларни мамлакатимизнинг турли жойларида бирдек ривожлантириш бунёдкорлик ишларини замон талаблари асосида олиб бориш, ижтимоий соҳада жамиятимиз ривожланиши қонуниятларига мос равишда ўзгартиришларни жорий этиш, шу билан бир қаторда, ҳудудларнинг илмий-технологик ҳамда интеллектуал салоҳиятини барқарор ривожлантириш учун таъсирчан механизм бўлиб хизмат қилади.

Яна бир эътиборга молик жиҳат, Фармонда мамлакатимиз олий ўқув даргоҳлари ва илмий марказларининг илмий ҳамда инновацион фаолияти ҳар йили аниқ кўрсаткичлар бўйича баҳоланиб, фаоллик кўрсатган раҳбарларни рағбатлантириш ва аксинча, оқсаётганларига таъсирли интизомий чоралар кўриш тизимли равишда ташкил этилади. Бу олий таълимда соғлом рақобат муҳити яратилишини таъминлайди.

Шу билан бирга, республика бўйича танлаб олинган 13 та туманни инновацион ҳудудга айлантириш дастури шакллантирилади. Унинг доирасида ушбу ҳудудлар иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига мос равишда янги инновацион ишланмаларни яратиш ва ўзлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади. Инновацион фаолиятни ривожлантиришда модель ҳудуд сифатида танлаб олинган Наманган вилоятининг Чуст тумани ҳокимлиги бошқарув аппаратида инновация масалаларига масъул раҳбарлик лавозими жорий этилиши, "Яшнобод" инновация технопарки резидентларини экстерриториал тамойил асосида Чуст тумани ҳудудига жойлаштиришни ушбу чора-тадбирларнинг муҳим бир элементи сифатида кўрсатиш мумкин.

Умуман, Президентимизнинг ушбу Фармони илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш — мамлакатимизни барқарор тараққий эттиришнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Эркин ЗОҲИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.

Акс садо

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси:

— Шу ҳафтада Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги бир гуруҳ сенаторлар ва Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Бён Сок раҳбарлигидаги парламент делегацияси ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғи давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон — Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик янги сифат босқичига кўтарилганлиги алоҳида қайд этилди. Жумладан, ҳар иккала давлат парламентларининг халқаро алоқалар, сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар, шунингдек, гендер тенглик, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя йўналишларида тегишли қўмиталар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва келгусида ўзаро алоқаларни кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув доирасида Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси қўмиталари аъзолари, депутатлар Чо Мён Хи хоним (соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот масалалари), Ян Гим Хи хоним (гендер ва оила муносабатлари масалалари), Ли Инджу хоним (давлат бошқаруви ва хавфсизлик масалалари, бюджет ва ҳисоб-китоблар) билан суҳбатлашдим. Меҳмонларда юртимизда хотин-қизларга эътибор, олиб борилаётган тизимли ишлар, опа-сингилларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, "аёллар дафтари"ни юритиш орқали кўплаб муаммоларни ҳал этиш борасида амалга оширилаётган ишлар катта таассурот қолдирди.

Хусусан, хотин-қизларнинг муаммоларини 9 та мезон асосида тизимли ёндашган ҳолда моддий, ҳуқуқий, психологик, тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий жиҳатдан уларни қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хотин-қизларга субсидиялар ажратиш, моддий жиҳатдан қийналган оилаларнинг ижара пулларини тўлаб бериш борасидаги самарали ишларга юксак баҳо берилди.

Маълумки, ўзбек ва корейс халқи қадриятлари, миллий урф-одатлари, оилага ҳамда фарзанд тарбиясига бўлган муносабат, ёши улуғларга ҳурмат кўрсатиш ва эъзозлаш борасида муштарак қарашларга эга. Бундай маънавий бойликни бугунги глобаллашув таъсирида бой бермаслик, қадриятлар ва урф-одатларимизни келгуси авлодга безавол етказиш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, ҳар икки мамлакатда ҳам аёллар ишбилармонлиги, ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик тобора ривож топаётганини инобатга олиб, келгусида ушбу йўналишда тажриба алмашиш, ташрифлар ва ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш юзасидан келишиб олдик.

— Ўзбекистон кучли иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга Корея Республикаси билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга стратегик масалалардан бири сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идораларо 170 дан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур салмоқли ҳуқуқий база ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу жараёнда парламентлараро алоқалар ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Бён Сок бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи жараёнида ҳам ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, ўзаро манфаатли йўналишларни топиш, сиёсий мулоқот ва маслаҳатлашувларни фаол давом эттириш бўйича якдил фикр билдирилди.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:

Давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқларимизни янада яқинлаштиришда кўп сонли корейс диаспораси муҳим роль ўйнайди.

Ташриф давомида меҳмонлар Корея маданияти ва санъати уйида бўлиб, мамлакатимиздаги корейс диаспораси билан учрашди. Тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб, бу ерда муқим яшаб қолган корейслар халқимиз билан дўст-қадрдон бўлиб, кўплари жамиятимизнинг кўзга кўринган, обрў-эътиборли ва ҳурматга сазовор аъзоларига айланган. Улар орасида турли соҳаларда улкан ютуқларга эришиб, бошқаларга ўрнак бўлаётганлар кўпчиликни ташкил этиши, айниқса, қувонарлидир.

Корейс миллатига мансуб юртдошларимиз Сенатда, қуйи палатада, маҳаллий Кенгашларда, давлат бошқаруви органларида, илм-фан, маданият ва санъат, иқтисодий-ижтимоий соҳаларда фидокорона меҳнат қилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда корейс миллатига мансуб 200 мингга яқин фуқаролар истиқомат қилади. Юзлаб корейслар юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган. Корейс маданиятининг ўнлаб марказлари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юртларида корейс филологияси ўрганилади, мактаб ва лицейларда корейс тили ўргатилади. Корейс миллатига мансуб фуқаролар учун миллий маданияти, тили, анъаналари ҳамда урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш учун зарур шароитлар яратилган. Корейс тилида китоблар ҳамда газеталар нашр этилади, концерт ва фестиваллар, спорт мусобақалари ўтказилади.

Мулоқот жараёнида бу борадаги ҳамкорликни ҳам кучайтириш ва икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

АКАДЕМИК ВЛАДИМИР ВАСИЛЬЕВИЧ КИМ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Йирик иқтисодчи олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Владимир Васильевич Ким 2021 йил 8 апрелда 92 ёшида вафот этди.

В.Ким 1929 йил 25 сентябрда Россия Федерациясининг Хабаровск ўлкасидаги Бикин шаҳрида туғилди. 1950 йилда Тошкент молия-иқтисод институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети)ни тамомлади.

Бўлғуси олим ўз меҳнат фаолиятини Самарқанд туманида назорат-тафтишчи сифатида бошлади, кейинчалик Тошкент молия-иқтисод институтининг аспирантурасида таҳсил олди. Дастлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати туфайли 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг 60 йилдан ортиқ илмий ва педагогик фаолияти давомида Тошкент халқ хўжалиги институтида (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети) кафедра мудири, профессор, проректор, ректор маслаҳатчиси, Ўзбекистон Фанлар академиясида фалсафа, иқтисодиёт ва ҳуқуқ фанлари бўйича академик котиб каби масъулиятли лавозимларда фидокорона меҳнат қилди ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг долзарб масалаларини тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Академик В.В.Кимнинг Ўзбекистонда аграр соҳани модернизация қилиш, қишлоқ туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ушбу йўналишдаги ислоҳотлар самарасини ошириш мавзуларидаги илмий тадқиқотлари мамлакатимиз иқтисодиёт фанига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Олимнинг қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган 200 дан зиёд илмий мақолалари, 10 га яқин монографиялари нафақат мамлакатимиз, балки чет эл олимлари ва мутахассислари томонидан ҳам эътироф этилган.

Жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга сабоқ берган илм-фан фидойисининг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

В.В.Кимнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвони билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Владимир Васильевич Кимнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б.ЙЎЛДОШЕВ

МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИМИЗ ТИМСОЛИ

1 Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳидов иштирок этди.

Қуролли Кучлар Академиясининг ҳарбий оркестри ижросидаги куйлар тадбирга янада тантанавор руҳ бағишлади.

Шундан сўнг йиғилганлар Темурийлар тарихи Давлат музейига таклиф этилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Фанлар академияси, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди томонидан ташкил этилган конференция "Соҳибқирон Амир Темур — темурийлар ренессанси бунёдкори" мавзуига бағишланди.

Унда сўзга чиққанлар тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган мамлакатимизда Соҳибқирон бобомизнинг халқпарварлик, адолат, маърифатпарварликка эш улуғ ишларига монанд туб ўзгаришлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Амир Темур ўз тузукларида *"Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизожидан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳлининг ашроф-улуғлари билан дўст тутиндим"*, дея қайд этади.

Президентимиз ҳам халқнинг ҳақиқий аҳволидан хабардор бўлиш учун мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудида Халқ қабулхоналари фаолиятини йўлга қўйди. Барча туман ҳамда шаҳарларга, марказдан чекка ва олис қишлоқ ҳамда овулларга ҳам шахсан ташриф буюриб, оддий одамлар турмуш тарзи, орзу-мақсадлари, муаммолари билан танишмоқда. Уларни ҳал этиш юзасидан мутасаддиларга зарур кўрсатма ва топшириқлар бераётир.

Мамлакатимиз тараққиёти, ҳаётимиз фаровонлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинаётган тарихий ҳужжатлар, ўтказилаётган йиғилишлар, видеоселекторлар, учрашув ва суҳбатлар Ўзбекистонда учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Юртимизнинг барча ҳудудида барпо этилаётган осмонўпар бинолар, сўлим боғу хиёбонлар, замонавий йўлу кўприклар Соҳибқироннинг дунёни лол этган бунёдкорлик салоҳияти авлодлари тутумида бардавом эканидан нишона.

— Амир Темур буюк давлат арбоби, Марказий Осиё халқларнинг фахру ифтихоридир, — дейди ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Ян Хладик. — Темур ва темурийлар даври билан боғлиқ меъморий обидалар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олган. Темурийлар даврига оид қимматбаҳо манбалар Испания, Буюк Британия ва бошқа давлатлар музейларида сақланиши Амир Темурга жаҳон миқёсидаги қизиқишдан дарак беради.

Анжуманда Темур ва темурийлар даври Ренессанси, Соҳибқирон бобомизнинг ҳаёт йўли, фаолияти, башарият цивилизациясидаги ўрни хусусида батафсил сўз юритилди.

Музейда Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид нашр этилган китоблар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Соҳибқирон таваллудининг 685 йиллигига бағишланган тадбирлар бутун мамлакатимизда кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган суратлар.

РАСМИЙ ТАДБИРЛАР ЮЗАСИДАН НАВБАТДАГИ БРИФИНГ

1 8 апрель куни Президент раислигида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва бандлик масалалари бўйича видеоселектор ўтказилди. Жиддий танқидий руҳда бўлган йиғилишда вазифани уддалай олмаган кўплаб раҳбарлар лавозимидан озод этилди, айримларига ҳайфсан берилди.

Матбуот котиби давлатимиз раҳбари йиғилишда қўйган аниқ вазифаларга тўхталиб ўтди.

Брифингда келаси ҳафтада бўладиган расмий тадбирлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Жумладан, 13-14 апрель кунлари мамлакатимизга Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Швеция ташқи ишлар вазири Анн Кристин Линденинг ташрифи кутилмоқда.

— Мамлакатимиз ушбу муҳим минтақавий ташкилот билан ҳамкорликни кенгайтиришга қатъий интилади, — деди Шерзод Асадов. — Ўзбекистон, шунингдек, Швеция билан барча соҳада конструктив мулоқот ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлашдан манфаатдор. Бу алоқалар сўнгги йилларда фаоллашиб, ўтган йил ноябрда ва бу йил февралда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилди. Анн Кристин Линденинг ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаради.

Линде хоним Президент томонидан қабул қилиниши режалаштирилган.

Шунингдек, келаётган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Президентининг Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон билан видеомулоқоти режалаштирилган.

Брифинг сўнгида Президент матбуот хизматининг ОАВ билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишга киришилгани қайд этилди.

М. ЭЛМУРОДОВ, ЎзА мухбири.

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН ОЙЛАР СУЛТОНИ, МАРҲАБО!

1 Ҳозир юртимизда 2 085 та масжид фаолият юритаётган бўлса, бу йил шулардан 1 367 тасида карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда Қуръони карим хатм қилинади. Мустабид тузумдагидек, "уч кунда хатм қилиб, ҳеч ким билмасин" учун эмас, балки халқимиз, айниқса, ёши улуғ инсонлар қийналмаслиги, Қуръони карим тиловатидан завқ олишлари учун Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тавсиясига биноан хатми Қуръонлар 27 кундан кам муддатда ўтказилмаслиги белгилаб қўйилди.

Тошкент шаҳридаги 114 та жоме масжиднинг барчасида 27 кун давомида мўмин-мусулмонлар Аллоҳнинг каломини сел бўлиб тинглашади, инша Аллоҳ. Бунинг учун барча шарт-шароит яратилди. Масжидларимиз Рамазонга шай ҳолатга келтирилди.

Ўтган йили коронавирус инфекцияси туфайли масжидларда таровеҳ намозларини ўқий олмаганимиз, Қуръони каримни хатм қила олмаганимиз туфайли бу йил Рамазонни ўзгача соғиндик, интиқлик билан кутдик. Аллоҳга беадад шукр, яна эзгу анъаналаримиз давом этади: таровеҳларда, Қуръони карим хатмларидан сўнг барча масжидларимизда юртимизнинг янада равнақ топиши, халқимиз турмуши бундан-да фаровон бўлиши, жанатмонанд Ватанимиз гуллаб-яшнаши учун Яратганга илтижолар қиламиз. Зеро, ҳадиси шарифда: ***"Рўзадорнинг дуоси то ифторлик қилгунича асло рад этилмайди"***, дейилган *(Имом Ибн Ҳиббон ривояти)*.

Ёши улуғ кишилар яхши эслашади: мустабид тузум даврида Рамазон ойини муносиб кутиб олиш у ёқда турсин, ҳатто рўза ҳам яшириб тутилар эди. Лекин, шунга қарамай, халқимиз имонидан айрилмаган. Собиқ тузум мусулмонлар бошида қон томиб турган қамчисини ўйнатган бўлсада, мўминлар Аллоҳнинг қарзини адо этишган. Бир таниш отахон ўша пайтларда мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаганини, айнан Рамазон ойида рўзадорларни "текшириш учун келган" комиссия аъзолари кўз ўнгида писта чақиб, мағзини ютмасдан, тупуриб ташлаганини ҳалигача айтиб юради.

Бугун биз қанча шукр қилсак кам. Чунончи, ҳар йили Рамазон ойи ҳамда иккала ҳайит — Рамазон ва Қурбон байрамлари арафасида Юртбошимизнинг махсус қарори қабул қилиниши динимизга, маънавий-маърифий соҳага қаратилаётган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Яна бир бор таъкидлаш жоиз, масжидларимизда таровеҳ намозларини карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ўқишимиз шарт. Шу билан бирга, ёши улуғ отахонлар, сурункали хасталиги бор кишилар ўзларини эҳтиёт қилишлари, таровеҳларни уйларида ўқишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Улар мунтазам равишда тиббий назоратдан ўтиб туришлари тавсия этилади. Чунки ҳали бу хавф, яъни коронавирус балоси тўлиқ чекингани, бутунлай бартараф этилгани йўқ.

Яна бир муҳим жиҳат. Айрим кишилар ифторлик қилишда дабдабага берилиб, исроф-гарчиликларга йўл қўйиши кузатилади. Қорни очлар, яъни эҳтиёжманд кишилар бир четда қолиб, қорни тўқлар ифторликларга таклиф этилади. Бу ҳам динимизга мутлақо хилоф ишдир. Чунки пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: ***"Таомларнинг энг ёмони қорни очлар қолиб, қорни тўқлар чақирилган зиёфатдир"***, деганлар.

Ҳазрат Алишер Навоий ҳам: "Ўт иши — қовурмоқ, ел иши — совурмоқ", деб, исроф қилувчиларни қаттиқ танқид этган.

Бунинг ўрнига Рамазонда қилинадиган хайрли ишларга кўплаб савоблар берилишидан унумли фойдаланиб, дабдабаю исрофгарчиликларга кетадиган харажатлар ўрнига етим-есирлар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга кўмаклашиш, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган "қўли калта" талабаларнинг ўқув-шартнома пулларини тўлаш, дори-дармон ололмаётган беморларга ёрдам беришнинг савоби жуда улуғ.

Бу эзгу ишлар Имом Бухорий бобомиз ривоят қилган қиёмат куни Арш соясига олинувчи етти тоифанинг олтинчисига, яъни ўнг қўли берган садақани чап қўли сезмайдиган кишиларга жуда мос тушади.

Бундай хайрли ишларни қилиш мазкур қарорда ҳам алоҳида таъкидланган.

Мухтасар айтганда, орзиқиб кутилган Рамазон ойи ташриф буюрмоқда. Бу ой савоб, ажр жиҳатидан, йилларга, минг ойларга татийди. Шундай экан, ҳар биримиз Рамазонни ғанимат билиб, кўнгиллар эриган, қалблар юмшаган дамларда Яратгандан юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигини сўраб, дуою илтижолар қилайлик.

Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби.

РАҲБАРЛАР ҚАЧОН ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ДЎСТЛАШАДИ?

1 Айниқса, пандемия даврида инқирозга қарши иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда ҳокимлар ва сектор раҳбарлари томонидан бу борада йўл қўйилган хато ҳамда камчиликлар асосланган далиллар билан кўрсатиб ўтилди. Кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш бўйича тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг вазифалари белгиланди, топшириқлар берилди. Бу борада сусткашликка йўл қўйган, тадбиркорлар билан ишлашга етарлича эътибор бермаётган мутасаддиларга нисбатан интизомий чоралар белгиланди.

Ўз навбатида, биз, депутатлар ҳам ҳудудларда бўлганимизда бу борада олиб борилаётган ишларни ўрганишимиз, йўл қўйилган муаммоларни таҳлил қилишимиз зарур. Чунки кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили саналади. Шундай экан, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини янада кенгайтиришда масъуллик, фаоллик кўрсатишимиз мақсадга мувофиқ.

Фарҳод ЗАЙНИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ХОМ АШЁ ЭМАС, ТАЙЁР МАҲСУЛОТ СОТИШ

мамлакат тўқимачилик саноатининг энг устувор вазифаси

Ўзбекистонни тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи давлатлар сафига қўшиш бугун юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг устувор вазифаларидан биридир. Зеро, бунинг учун бизда имконият ҳам, шароит ҳам етарли — ўз пахтамиз, толамиз бор. Бу борадаги ишлар кейинги йилларда самарасини кўрсатяпти ҳам. Жумладан, ўтган йили дунё бўйича кузатилган пандемия шароитига қарамасдан тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатидаги барқарорлик сақлаб қолинди.

Бугуннинг гапи

Иқтисодиётимизнинг реал секторини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида тўқимачилик саноатининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Хусусан, 2020 йил 5 майдаги "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармонига биноан, корхоналар ва кластерларни янада қўллаб-қувватлаш, маҳсулот рақобатдошлигини ошириш мақсадида халқаро тажриба асосида хом ашё нархини пасайтириш имконияти яратилди. Шу билан бирга, тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарининг пандемия давридан сўнг иқтисодий ўсишини таъминлашга қаратилган 2025 йилгача мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Бу, аввало, корхоналар фаолиятида узилишлар бўлмаслиги, мавжуд ишчи кучини сақлаб қолиш ва экспорт ҳажмини оширишга қаратилган чора-тадбирларни қамраб олади.

Тўқимачилик саноатида фаолият юритаётган корхоналар сони 2020 йил якунларига кўра олдинги йилдагига нисбатан 22 фоиз ошиб, 15 минг 107 тани ташкил этди ва улар томонидан 1,9 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Ушбу кўрсаткич республикамиз умумий экспортининг 12,7 фоизига тенг эканлигини инобатга олсак, тармоқ тобора ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти, *млн. доллар*



Айни соҳада экспортнинг ошиб бориши бевосита пахта хом ашёсини эмас, балки юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспортини амалга оширишга қаратилган кенг қўламли ислоҳотлар самараси эканлигини кўришимиз мумкин.

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмларида энг салмоқли улуш Тошкент шаҳри (15,5 фоиз), Андижон (14,0 фоиз), Фарғона (13,7 фоиз), Тошкент (12,9 фоиз) ва Наманган (11,5 фоиз) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Мазкур ҳудудларда фаолият юритаётган корхоналар томонидан экспортга йўналтирилган тўқимачилик маҳсулотлари таркибида пахтадан йигирилган ип (48,9 фоиз), тайёр трикотаж ва тикувчилик кийимлари (28,5 фоиз) асосий ўринни эгаллаган.

Айтиш жоиз, йил бошидан 498 турдаги тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг 70 та давлатига экспорт қилинган бўлиб, унинг географияси ўтган йилдагига нисбатан 10 тага кенгайган.

Тўқимачилик саноатини диверсификация қилиш ҳамда тайёр маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш борасидаги амалий ишлар ва чоралар натижасида мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги салоҳияти юксалиб, тармоқда экспортчи корхоналар сони ҳам 388 тага кўпайди ва 1 425 тани ташкил этаётир.

Бу эса анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган кўргазмалар ҳам соҳа корхоналарига фаол инвестицияларни жалб этиш орқали уларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш тадбирлари тобора жадаллашиб бораётганидан далолат. Зеро, бугун замон талаби бошқача. Энди аввалгидай фақат пахта хом ашёси сотиб кун кўриб бўлмайди. Аксинча, тайёр маҳсулот орқали жаҳон бозорини забт этиш талаб қилинади.

Аъзам ИКРОМОВ, Давлат статистика қўмитаси раисининг ўринбосари.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси:

МАҚСАД АНИҚ, ВАЗИФА МУШТАРАК, ФАҚАТ ҲАМЖИҲАТЛИК ЗАРУР!

"Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кўтарилади" деган нақл бор халқимизда. Буни маҳалла-кўй, туману шаҳарлар ва бутун мамлакат миқёсида тасаввур қилиб кўрсак, кўҳна ҳикматнинг асл моҳияти янада теранроқ англашилади.

Кўряпмизки, фаровонликнинг энг муҳим шарти — осойишталик. Тинчлик-хотиржамликсиз тараққиётга эришиш имконсиз. Бунинг учун жойларда жиноятчиликка барҳам бериш, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш талаб этилади.

Президентимиз айни шу эзгу мақсадларни ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими бўлган маҳаллаларимиз орқали рўёбга чиқариш ҳаракатида. Шу боис бу тузилмаларнинг ваколатларини янада кенгайтириш учун қонуний асослар мустаҳкамланяпти.

Нуқтаи назар

Қоғозда ҳамкор, амалда тарқоқ эди...

Чиндан ҳам, маълум бир ҳудудда яшовчи одамларнинг дарду ташвишларини, муаммою камчиликларини ўша манзилдаги маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддиларидан кўра ким яхшироқ билиши мумкин?! Албатта, ҳеч ким!

Бугун маҳаллалар фаоллари кўплаб юмушларга бош-қош. Ўз ҳудудидаги вазиятга кўз-кулоқ. Фуқароларимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун масъул. Бунда, табиийки, профилактика инспекторларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бироқ яқин-яқингача ана шу ҳар икки тузилма, гарчи ёнма-ён ишлаб, ҳамкорликда фаолият юритишга ҳаракат қилса-да, аммо амалий натижалар юқори бўлди, дея олмаймиз. Чунки ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини амалга ошириш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида ўзаро ҳамжиҳатлик тўлақонли таъминланмади. Оқибатда баъзи ўринларда бири иккинчисидан ўзини устун қўядиган тузилмалар қоғозда бирга, амалда эса айри-айри фаолият юритишни одат тусига айлантирди.

Шу боис Президентимиз бу соҳадаги ислоҳотларни, аввало, мавжуд қонунчилик базасини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришдан бошлади. Натижада биргина ўтган 2020 йилнинг 18 февраль санасида давлатимиз раҳбари томонидан маҳалла тизими ва профилактика инспекторлари фаолиятига доир бир йўла икки тарихий ҳужжат қабул қилинди.

Шулардан бири — "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон бўлса, иккинчиси — "Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарор бўлди.

Хўш, ушбу ҳужжатлар учун яна қандай омиллар сабаб бўлди?

Маҳалла вакиллари ҳеч кимнинг «югурдаги» эмас!

Ҳаммамизга таниш ҳолат: маҳалла расман мустақил тузилма. Ўзини ўзи бошқариш ваколатига эга. Лекин фуқаролар йиғинлари узоқ йиллар давомида турли юқори ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликларнинг, кўпол қилиб айтганда, "югурдаги"га "айлантирилди". Пировардида мазкур тузилмалар гарданига фаолиятига хос бўлмаган қатор функциялар юклатилди.

Маҳалланинг қуйи идоралар билан тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйишга ҳам эришилмади. Қолаверса, оила, хотин-қизлар ва кексаларга ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими мавжуд эмасди. Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар самарали натижа бермагани ҳам аччиқ ҳақиқат. Қисқа айтганда, юқорида саналган ҳолат ва камчиликлар жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатиб келди.

Ана шу муаммоларни зудлик билан ҳал этмасдан туриб, маҳаллалар ривожини таъминлаш, жойларда осойишталик ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантириш — бесамар юмуш. Шу боис ҳам Президентимиз профилактика (катта) инспекторининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида амалга оширилган ишларни мунтазам таҳлил этиб бориш, уларга баҳо бериш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрди.

Буларнинг барчаси қандай ислоҳотларда ўз аксини топди?

Эски муаммонинг замонавий ечими

Дастлаб юқорида номлари келтирилган икки ҳужжатда маҳалла ва профилактика инспекторлари ҳамкорлиги масаласи ечимига доир устувор вазифаларга тўхталиб ўтсак.

Масалан, "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга кўра кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилмасида фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди. Ушбу вазифа профилактика катта инспектори, ушбу лавозим мавжуд бўлмаган тақдирда профилактика инспектори зиммасига юклатилиши белгиланди. Бинобарин, ҳар бир маҳаллада унинг криминоген вазияти ва аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда камида бир нафардан профилактика инспектори хизматни олиб бориши йўлга қўйилди. Ўз навбатида, фуқаролар йиғини раисига тегишли ҳудуддаги профилактика инспектори фаолиятига баҳо бериш ҳамда уни рағбатлантириш ёки унга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш ҳуқуқи берилди.

Яна бир ўзига хос янгилик: эндиликда профилактика инспекторлари беш йил муддатга лавозимга тайинланяпти ва уларни мазкур муддат давомида бошқа лавозимга ўтказиш тақиқланган. Ана шу муддат давомида намунали ишлаган ходимлар орасидан келгусида туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқлари, уларнинг таркибидаги бўлимлар ва ички ишлар бўлимлари (бўлинмалари) бошлиқлари устуворлик асосида тайинланиши ҳам соҳа вакиллари зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

Натижа қандай бўлади?

Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган афзал. Бу қадим ҳикмат маҳалла тузилмаси ва профилактика инспекторлари фаолияти учун муҳим мезон. Бундан ташқари, ҳудуддаги мавжуд муаммоларнинг ўз вақтида ва жойида ҳал этилиши ҳам ҳар қандай салбий иллат ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишига хизмат қилади. Ўз навбатида, уларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун замин яратади. Муҳими, ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларнинг натижаси ҳам самарали, ҳам тезкор бўлади.

Профилактика ишлари моҳияти шундаки, унда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этишдан аввал, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ёшларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этиш, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган нотинч оилалардаги маънавий-руҳий муҳитни соғломлаштириш борасида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда чоралар кўрилади.

Бу жараёнда илгари судланган, ичкиликка ружу қўйган, гиёҳвандлик касалига мубтало, фарзандлари таълим-тарбиясига бефарқ шахслар, енгил табиатли аёллар, диний экстремистик оқимга мансуб ёки хайрихоҳ кимсалар билан доимий иш олиб бориш ниҳоятда зарур ва долзарб.

Энг муҳим натижаларга тўхталадиган бўлсак, маҳалла институтини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари фаолиятига давлат органларининг аралашувига чек қўйилди. Маҳалланинг мавқеини тубдан ошириш, тизим ишини самарали ташкил этиш, уни том маънода халқчил тузилмага айлантиришга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Пировардида, маҳаллалар одамлар шунчаки келиб-кетадиган идора эмас, балки аҳолини ислоҳотларга сафарбар этадиган, жамиятнинг барча қатламини изчил ҳаракатга келтирадиган фаол ижтимоий тузилмага айланди.

Хулоса шуки, фуқаролар йиғинларининг ҳам, профилактика инспекторларининг ҳам мақсади аниқ. Ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш учун эҳтиёж ва асослар етарли. Биринчидан, маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги роли катта. Иккинчидан, эндиликда профилактика инспектори фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари. Учинчидан, ҳар икки тузилмага юклатилган вазифалар муштарак. Тўртинчидан, қонунчиликка кўра, уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги ваколатлари мавжуд ва ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишлари шарт.

Жиноятчилик ҳам, ҳуқуқбузарлик ҳам — жамият ва давлат тараққиёти учун жиддий ғов, хавфли тушов. Улардан халос бўлиш учун маҳалла тузилмаси турли иллатларга қарши курашувчи таянч идорага, профилактика манзилига айланиши лозим. Шундай бўляпти ҳам!

Дилфуза АБДУЛЛАЕВА, Тошкент давлат юридик университетининг ихтисослаштирилган филиали Хусусий-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2021 йил 10 апрель

«СЕН УХЛАГАНИНГДА ДУШМАНИНГ УЙҒОҚ БЎЛАДИ»

ёхуд маънавий ишларда жамоатчиликнинг роли ҳақида

1 Шу боис ҳам бугун дунёда кечаётган мураккаб жараёнларни таҳлил қилишда уларга, энг аввало, маънавият кўзи билан қараш, ҳаётимизга кириб келаётган, ахлоқимизга, менталитетимизга зид ғояларни аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга мос келмайдиган жиҳатларини очиб бериш ва табиийки, зарур чоралар кўриш муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, менталитетимизга зид ғоялар, ахборот хуружлари қаердан кириб келяпти? Одамларни ҳокимиятдан норози бўлишга чорлаётган, қилдан қийиқ қидиришга интилаётган кучлар қандай иш кўряпти? Ахир туппа-тузук барқарор давлатларни нотинч, “инсон ҳуқуқлари ва демократия” ниқоби остида хонавайрон қилганлар интернет ҳамда ижтимоий тармоқлардан фойдаланмадими?!

Шунинг учун интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этаётир. Глобал ахборот маконидаги барча хабарни ҳам фойдали ва безиён деб бўлмайди. Хусусан, айни пайтда интернет тармоғида ўз жонига қасд қилишнинг осон йўлларини тарғиб этувчи тўққиз минг, порнографик мазмунга эга тўрт мингдан зиёд сайтлар, шунингдек, зўравонлик ва ёвузлик руҳидаги компьютер ўйинлари борки, улар миллий қадриятларимизга зид ҳамда ёш авлод тарбиясига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатиши турган гап. Албатта, интернетни чеклаб қўйиш ёки ахборот олишни тақиқлаш билан муаммо ҳал бўлмаслиги аён ҳақиқат. Шундай экан, онги ва дунёқараши эндигина шаклланаётган ёш авлоднинг маънавий олами дахлсизлигини асраш олдимизда турган энг муҳим масалалардан биридир.

Бугун кимда хабарни биринчи бўлиб тарқатиш, уни истеъмолчига етказиш имкони бўлса, ўша ҳақ, ўшанинг айтгани ҳақиқат сифатида қабул қилинмоқда. Ана шундай бир шароитда эса ахборот хуружларига қарши иммунитет шакллантирилмаган ёки шаклланмаган давлатларда “демократия ва инсон ҳуқуқлари бузилмоқда” қабилидаги сафсаталар тарқатилмоқдаки, оқибатда замири пуч турфа “инқилоблар” уюштирилаётир. Аслида-ку, маълум бир муддат ўтгач, ана шу давлатлар аҳолисининг турмуши, иқтисодиёти ва фаровонлиги сал бўлса-да, ижобий томонга ўзгарганида эди, бундай инқилоблар жабрини тортаётган халқлар норозилиги кучаймаган бўлар эди.

Эрамиздан аввалги VI асрда яшаган Хитой файласуфи Сун Цзи қўлланмаларида ахборот хуружларининг бошқачароқ тури, яъни психологик урушларда фойдаланиш мумкин бўлган услублар баён қилинади. Файласуфнинг фикрича, ўз ғанимини енгиш учун, аввало, “рақиб мамлакатдаги яхши нарсаларни парокандалаш, раҳбарлари обрўсини тўкиш ҳамда ўрни келганда уларни жамоатчилик олдида изза қилиш, шу мақсадда энг қабиҳ ва разил кишилар билан ҳамкорликдан фойдаланиш, фуқаролари орасида низо ҳамда тўқнашувлар келтириб чиқариш, ахборот ва шериклар сотиб олиш учун таклиф ҳамда совғаларга сахий бўлиш, ёшларни кексаларга гиж-гижлаш, умуман, пулни ҳам, ваъдаларни ҳам аямаслик керак” қабилида маслаҳатлар берилади. Биз бугун дунё деб аталмиш улкан саҳнада ана шундай сценарийлар кун сайин сайқалланаётганига, ривожлантирилаётганига, Сун Цзи айтганидек, “совға-саломлар тортиқ қилинаётгани”га гувоҳ бўлмоқдамиз.

Демак, дунёда ахборот хуружлари ҳалигача тинмаётган, аксинча, ҳам шаклан, ҳам мазмунан ривожланаётган экан, миллий матбуотнинг ҳам жамият олдидаги масъулияти, жавобгарлиги энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолаверади. Бу XXI аср матбуоти учун айни пайтда катта ё кичик, аҳамиятли ёки аҳамиятсиз мавзунинг ўзи қолмаганини кўрсатяпти. Дунёда ягона ахборот макони шаклланиб улгургани, бирор-бир давлат бу макондан ажралган ҳолда яшай олмаслигини инобатга олсак, ўзига хос тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон учун, унинг матбуоти учун ҳам маънавий масалалар тарғиботи ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Сиёсатда “Сен ухлаганингда душманинг уйғоқ бўлади”, деган нақл бежиз қўлланилмайди. Маънавий ғофилликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Лоқайдликни бас қилиш, мудроқ ҳолатдан уйғониш керак. Бунинг учун эса, аввало, илм сари интилиш, оила, боғча, мактаб, олий таълим, маҳалла, мутасадди ташкилотлар мунтазам равишда ҳамкорликда иш олиб бориши зарур. Маҳаллаларда маҳаллабай, фуқаробай ишлаш тизимини кенг йўлга қўйиш зарур. Ана шунда таълим-тарбияда узилиш, маънавиятда бўшлиқ юзага келмайди.

Президентимизнинг 2021 йил 26 мартда қабул қилинган “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида устувор йўналишлар сифатида, биринчи навбатда, “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғоясини умуммиллий ҳаракатга айлантириш, оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Бунда маънавий тарбия билан боғлиқ ишлар маълум ҳудудларда эмас, бутун мамлакатда яхлит олиб борилиши ва ҳамма жойда талаб даражасидаги самарага эришилиши кўзда тутилади. Шундан келиб чиқиб, маънавий тарбия билан боғлиқ тарғибот-ташвиқот ишлари қандай самара бераётгани билан шуғулланувчи доимий мониторинг тизими жорий этилади.

Бугунги замонда дунё давлатларининг қудрати, уларнинг салоҳияти неча ва институтлари, хусусий сектор ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ҳамкорлиги йўлга қўйилмаган. Боз устига, ҳокимлик, вазирлик ва бошқа расмий идораларнинг айрим раҳбарларида маънавият масалалари билан шуғулланишга, ОАВ имкониятларидан унумли фойдаланишга, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этишга хоҳишнинг ўзи йўқ. Улар матбуотни ортиқча ташвиш келтирадиган, камчилик ва нуқсонларни ошкор қиладиган восита, деб тушуниши ҳам бор гап.

Албатта, маънавий тарбия билан боғлиқ ишлар осон вазифа эмас. У ҳар бир инсон, ҳар бир оила, қисқача айтганда, бутун жамиятдан жиддий эътибор ва узлуксиз меҳнат талаб қилади. Айниқса, бугунги кунда — мафкуравий курашлар гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тус олган ҳозирги нозик, қалтис шароитда бу ниҳоятда долзарб масала.

Агар маънан ва руҳан соғлом, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата биладиган, ҳаётнинг пасту баланд кўчаларидан тўғри йўлни адашмай топа олишга қодир бўлган маънавий юксак авлодни тарбиялаб етиштириш вазифаси уддаланса, фикри тиниқ, эътиқоди соғлом ўғил-қизларни турли оқимлар эргаштириш, пана-пастқамларда писиб ётган чаласавод, жоҳил одамларнинг тузоғига илинтиришга уринишлар барҳам топади.

> *Бугун кимда хабарни биринчи бўлиб тарқатиш, уни истеъмолчига етказиш имкони бўлса, ўша ҳақ, ўшанинг айтгани ҳақиқат сифатида қабул қилинмоқда. Ана шундай бир шароитда эса ахборот хуружларига қарши иммунитет шакллантирилмаган ёки шаклланмаган давлатларда “демократия ва инсон ҳуқуқлари бузилмоқда” қабилидаги сафсаталар тарқатилмоқдаки, оқибатда замири пуч турфа “инқилоблар” уюштирилаётир. Аслида-ку, маълум бир муддат ўтгач, ана шу давлатлар аҳолисининг турмуши, иқтисодиёти ва фаровонлиги сал бўлса-да, ижобий томонга ўзгарганида эди, бундай инқилоблар жабрини тортаётган халқлар норозилиги кучаймаган бўлар эди.*

Муҳим вазифалардан яна бири — эл-юрт тақдирига лоқайд, иш услубида маҳаллийчиликка, уруғ-аймоқчиликка, таниш-билишчиликка йўл қўядиган раҳбарлар билан муросасиз бўлиш. Бу иллатлар алоҳида бир мамлакатда бугун ёки кеча пайдо бўлган эмас. Улар ҳамма жойда ва ҳамма вақт ижтимоий адолатнинг бузилишига, ҳалоллик ҳамда виждонийлик илдизларининг сустлашишига, ошкоралик қолиб, ими-жимида иш битиришга сабаб бўлади. Шу боис давлатимиз раҳбарининг янги халқчил қарорида бундай номақбул ҳолатларга барҳам бериш масаласи алоҳида ўрин тутади.

Қарорда маданият, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча тури, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш, геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам равишда ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, наркобизнес ҳамда бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш вазифаси ҳам қўйилган.

Токи шундай экан, бу курашни ташкил этишда босма нашрларнинг жойларга, айниқса, ўқув юртларига ўз вақтида ва изчил етиб боришини таъминлаш, ўрта таълим мактаблари кутубхоналарини маънавий-маърифий нашрлар билан доимий равишда тўлдириб бориш талаб этилишини унутмаслик зарур.

Қарорда Маънавият ва маърифат кенгаши олдига миллий ғоя тарғиботида соҳалар ҳамда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш, аниқ мақсадга йўналтирилган тарғибот-ташвиқот дастурларини ишлаб чиқиш, аҳоли, айниқса, ёшларни ислом дини ва фалсафасига, бошқа диний конфессияларга ҳурматэҳтиром, бағрикенглик руҳида тарбиялаш, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш, матбуотда илмий-ижтимоий мавзуларда мақолалар эълон қилиш вазифаси қўйилган.

Бундай вазифалар ижросини таъминлашда жамоатчиликнинг эътиборга молик таклиф ҳамда фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш, мафкуравий жараёнлар таҳлили, соҳага оид янгиликларни тўплаш, тайёрлаш ва тарқатишга алоҳида эътибор бериш зарур бўлади. Ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари деганда, маънавий тарғибот ишига жалб этилган воизлар маъруза матнини тайёрлашда ҳар бир туман, қишлоқ ёки чекка бир ҳудуднинг жуғрофий жойлашуви, этник таркиби, муаммолари ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олиши, маърузани маҳаллий факт ҳамда рақамлар, айни шу ҳудудда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, давлат дастурларида кўзда тутилган режалар билан бойитиши талаб этилади. Бу йўналишда “Маънавият тарғиботчиси” таълим муассасаси негизида ташкил этиладиган Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти ташаббускор бўлиши айни муддаодир.

Албатта, маънавий, маърифий тарбиянинг узвийлигини таъминлашда оила, таълим муассасалари, маҳалланинг ўрни беқиёс. Таълим-тарбия учун фақат мутасаддилар масъул, десак, қаттиқ янглишамиз. Шу Ватан, шу тупроқ, шу ёшлар бизники, эртага келажагимиз порлоқ бўлишини истасак, ҳаракатни бугундан кечиктирмаслигимиз керак. Юрт тақдирига лоқайдлик, коррупция, оилавий қадриятларга беписандлик, ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам бериш учун ҳамкорликда ҳаракат қилишимиз лозим. Зеро, олдимизда турган улуғвор мақсад — учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш ва уни барпо этиш, аввало, халқимизнинг тафаккурини юксалтиришдан бошланади.

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,
Самарқанд давлат университети профессори,
филология фанлари доктори.

---

10 апрель — Абдулла Қодирий таваллуд топган кун

УЛУҒ ХАЛҚНИНГ МИЛЛАТПАРВАР АДИБИ

Ўзбекистон “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган устувор ғоя асосида тараққиётининг янги босқичида дадил одимлаб бормоқда. Жамиятимизнинг маънавий пойдеворини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида адабиётни ривожлантириш, ўзбек тилининг ўрни ва нуфузини юксалтириш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш истеъдодларни кашф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу жараёнда буюк ўзбек адиби, миллий романчилигимиз мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий хотирасини абадийлаштириш, бебаҳо меросини ўрганиш ва тарғиб этиш борасида олиб борилаётган ишлар эътирофга лойиқ.

Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимизда барпо этилган Адиблар хиёбонида жадид бобомиз ҳайкали ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбари ғояси асосида Тошкент шаҳрида Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи олдида ижод мактаби ва музей фаолияти йўлга қўйилди. Боққа кираверишда ҳам буюк ёзувчи ҳайкали қад ростлади.

Абдулла Қодирий асарларининг бугунги маънавий-ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

“Жаҳон адабиётида услуб жиҳатдан фарқ қиладиган бешта романчилик мактаби сайқалланиб кўзга ташланиб туради. Улар инглиз, француз, немис, рус, ҳинд романчилик мактабларидир. Эндиликда олтинчи романчилик мактаби яратилди. Бу мактабни яратган Абдулла Қодирийдир”, деб ёзган эди машҳур шарқшунос Э. Бертельс.

Нафақат қозоқ, балки бутун туркий халқларнинг атоқли мутафаккирларидан бири Мухтор Авезов тили билан айтадиган бўлсак, Абдулла Қодирий романлари XX асрнинг 20-йилларида гўё текис саҳрода тўсатдан пайдо бўлган Помир тоғларини эслатади.

Абдулла Қодирий дастлаб ижодини шеърлар ёзишдан бошлаб, ўзининг кўплаб мақолалари, публицистик ва саҳна асарлари, ҳажвий ҳикоялари билан ҳам ном қозонди, эл назарига тушди. “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” асарлари билан эса ўзбек адабиётида романчиликка асос солди.

Ёзувчининг “Ўткан кунлар” романи Туркистон ўлкасидаги барча қўшни давлатлардан тортиб, узоқ ўлкаларгача етиб борди. Абдулла Қаҳҳор хотираларида ўтган асрнинг 30-йилларида “Ўткан кунлар” татар қардошларимизнинг ҳам энг севимли асарларидан бири бўлганини, адибни “Абдулла оби” деб эъзозлашганини қайд этган.

“Ўткан кунлар” романининг шу қадар шуҳрат топишининг сири нимада? Назаримизда, бу саволга жавобни асарнинг ўзидан излаш жоиз.

Атоқли олим Наим Каримов бу ҳақда фикр билдирар экан, “Абдулла Қодирий ўзининг “Ўткан кунлар” романи билан келажакда ҳам такрорланиши мумкин бўлган хунрезликларга чек қўйиш, бу жаҳолат дарахтининг заҳарли илдизига болта уриш лозимлигини ҳам айтмоқчи бўлган. Юсуфбек ҳожининг: “Биз шу ҳолда кетадирған, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядирған бўлсақ, яқиндирки, ўрус истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар...” деган сўзларидан адибнинг келажакда ҳам огоҳ бўлиб яшаш ҳақидаги ўтинчи замзама қилиб турибди”, деб ёзган эди.

Дарҳақиқат, буюк маърифатпарвар бобомиз халқимиз тақдирига ғоят қуйинчаклик билан қараган, авлодларни эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшашга, Ватан саодати ҳамда иқболи йўлида жасорат ва ғайрат-шижоат кўрсатишга даъват этган.

Бутун халқимиз, жумладан, Абдулла Қодирий ижод мактабида камол топаётган ёшлар улуғ аждодимизнинг ўгитларини қалбида сақлаган ҳолда, мамлакат тараққиёти, тинчлиги, ҳаётимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида қайғуриб яшаши лозим. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, Абдулла Қодирий ижод мактабида ўқиётган бу болалар янги Ўзбекистон келажагининг бунёдкорларидир.

«Халқ сўзи».

ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ТЕРМИЗДА БЕЛЛАШАДИ

Спорт

Шу йилнинг 10 — 12 апрель кунлари Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий XV халқаро турнир бўлиб ўтади. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 4 ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида бу йил ушбу халқаро турнир ўн бешинчи маротаба ташкил этиляпти.

Кеча Термиз халқаро аэропортида мусобақа иштирокчилари тантанали кутиб олинди.

Турнирни юксак савияда ташкил этиш учун 8 400 томошабинга мўлжалланган “Алпомиш” стадионида юқори савияда тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Турнирда эркаклар 60, 66, 73, 81, 90 килограмм ҳамда мутлақ, аёллар эса 48, 57, 63, 70 килограмм ва ундан юқори вазн тоифасида ўзаро беллашади. Маълумотларга кўра, бу йилги нуфузли беллашувда мамлакатимиз шарафини 49 нафар полвон ҳимоя қилади.

Бу йил халқаро турнирнинг умумий мукофот жамғармаси 100 минг АҚШ доллари этиб белгиланган. Ҳар бир вазн тоифасида ғолиблар 3 минг, иккинчи ўринни қўлга киритган спортчилар 2 минг, иккита учинчи ўрин совриндори 1 минг АҚШ доллари миқдорида пул мукофотига сазовор бўлади.

Мутлақ вазнда ғолиб бўлган полвон Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини — 10 минг АҚШ долларини қўлга киритади. Иккинчи ўрин эгасига 5 минг, иккита учинчи ўрин совриндорларига 3 минг 500 АҚШ доллари миқдорида пул мукофоти топширилади.

Илҳом РАҲМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

СОҒЛОМ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ АВЛОД ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Президентимиз раҳбарлигида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, жисмонан соғлом, маънан етук, интеллектуал ривожланган ҳамда мустақил фикрлайдиган ёш авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Мушоҳада

Мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар, айниқса, кейинги тўрт йилда янада жадаллашди. Бу борадаги дастлабки дадил қадамлардан бири сифатида “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганлигини келтириш мумкин. Бу қонун ёш авлодга бўлган эътиборнинг кўламини янада кенгайтирди, давлат идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ижтимоий шериклики сифат жиҳатидан янги поғонага олиб чиқди. Ўз навбатида, у ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг масъулиятини кучайтириш, соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини юксалтириш, ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлаш имконини берди.

Ёш авлодни халқимизнинг асрлар давомида шаклланган қадриятлари асосида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис онгу шууримизга катталарга ҳурмат, ўқишда, ишда, ўзаро мулоқотда хушмуомалалик, самимийлик, бағрикенглик, инсонийлик каби фазилатлар, буюк аждодларимиз бошлаган ишни давом эттиришдек олижаноб туйғулар сингдирилаётганидан мамнунмиз.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур ҳужжатда юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, миллий, умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш, педагог ходимлар қадр-қиммати ва нуфузини ошириш, уларнинг моддий-маънавий ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ёшларимизнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишининг олдини олиш, жисмоний тарбия ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароит яратиш, тенгдошларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, ўқувчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, шунингдек, эҳтиёжманд оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш каби долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Чинакам маърифатли киши инсон қадри, миллат қадриятлари, ўзлигини англаб, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ўрин эгаллаши йўлида фидойилик билан кураша олади. Шу боис ёшларни миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, умумбашарий тараққиёт ютуқлари, замонавий билимларни ҳар томонлама чуқур ва пухта эгаллаши учун шароит яратиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифага айланди.

Юртимизда навқирон авлодда юқори маданият ва маърифатни, меҳр-оқибат ҳамда ҳалолликни, ахлоқий покликни шакллантириши лозим бўлган ижтимоий-маданий муассасалар — кутубхона, театр, музей, кўргазма заллари ва бошқа тарбия масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўлидаги ишлар тобора кучайиб бораётгани боиси ҳам шунда. Маданият ҳамда томоша-кўнгилочар манзиллар комплексининг бутунлай тижорат билан боғлаб қўйилишига йўл қўйилмаяпти. Бу билан ёшларда бозор муносабатлари, ҳаёт қадриятлари, муваффақиятлар, уларга эришиш йўллари ва усуллари ҳақида нотўғри фикр шакллариб қолишининг олди олинмоқда.

Маънавий тарбияда тарихий ёдгорликлар, миллий меросимизнинг роли катта. Шу маънода, Юртбошимиз ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, халқимизнинг миллий бойлиги бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтаришдек ниҳоятда муҳим, хайрли вазифани бажаришга киришгани алоҳида таҳсинга лойиқ. Бугун бизга аждодлардан мерос бўлиб қолган, аммо тарихнинг турли даврида бошқа давлатлар томонидан талон-торож қилинган миллий бойликларимиз ўзимизга қайтарилмоқда. Уларни бундан буён кўз қорачиғидай асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга мерос қилиб қолдириш чоралари кўрилмоқда.

Гап ёшларнинг тарбияси ҳақида борар экан, китоб ва китобхонлик ҳақида тўхталмаслик мумкин эмас. Маълумки, йиллар давомида бу соҳада ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд эди. Хусусан, халқимиз, аввало, ёшлар маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, жойларга, таълим муассасаларига вақтида ҳамда мақбул нархда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш, фарзандларимизда болаликдан бошлаб китоб, жумладан, электрон китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этиш долзарб бўлиб келаётган эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори шу масалаларга ечим топишга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур ҳужжат асосида китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ўзбек ҳамда дунё адабиёти намуналарини интернет тармоқларига жойлаштириш ҳамда уларни тарғиб қилиш, кенг китобхонлар оммасига етказиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида Китоб маҳсулотларини нашр қилиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бу дастурга кўра, ёшларнинг интеллектуал ҳамда маънавий эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида ҳар бир туман марказида китоб дўконлари очилди ва улар янги асарлар билан бойитилди. Оилавий китоб ўқиш анъаналарини кенг тарғиб қилиш, ёзувчи ҳамда китобхон ўртасидаги мулоқотни кучайтириш, мутолаа маданияти тарғиботига эътибор ошди. Натижада халқимизнинг, жумладан, ёшларнинг китобга бўлган муносабати ижобий томонга ўзгарди.

Бугун биз диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома ҳамда адибларнинг юксак гуманистик ғояларга йўғрилган бой маънавий меросини ўрганиш ва улардан баҳра олиш имконига эга бўлдик. Муҳими, тенгдошларимизнинг ўзида шунга рағбат ошиб бормоқда.

Умуман, мамлакатимизда ёшлар камолоти йўлида улкан ишлар олиб бориляпти. Зеро, юксак маънавиятли авлод эртанги кунимизни белгилаши кундек равшан.

Аҳрор САИДОВ,
Тошкент халқаро Вестминстер университети талабаси.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 27 260 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.15 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6